

Хўжалик юритувчи ташкилотларга маиший чикиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича 22/62 - сонли Шартнома

Самарканд ш.

«18 01» 2022 й.

Биз, куйида имзо чекувчилар, Самарканд шаҳар “Мароқанд обод” ДУК номидан Низом асосида иш олиб борувчи, директор (куйда «Ижрочи» деб юритилади) _____ ва низом асосида иш юритувчи Самарканд Магистрал

203
Туронов О. («Истеъмолчи» номи)
(Лавозими Ф.И.Ш) (куйда «Истеъмолчи» деб юритилади) куйидагилар юзасидан ушбу шартномани имзоладик:

1. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартнома каттик ва суюқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.
1.2. «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун тўловларни “Ижрочи” га ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга мажбур.
1.3. Томонлар каттик ва суюқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга оид ушбу шартнома шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги “Чикиндилар тўғрисида” ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралдаги 95-сонли Қарори билан “Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қоидалари” (кейинчалик матнда – “Қоидалар” деб юритилади) га риоя қилишни ўз зиммаларига оладилар.

2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Юридик шахслар каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар қийматининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни, кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ ҳисоб-китобини эса — календарь ой тугагандан кейин 30 кун давомида амалга ошириши шарт. Куйидаги чикиндилар олиб чиқиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилотлар алоҳида шартнома асосида қилинган нарх эвазига амалга оширилади:

2.2. Каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган тарифлар бўйича амалга оширилади. Мазкур тарифлар ўзгарган тақдирда, тўловлар амалдаги янги тариф бўйича амалга оширилади. Агар шартномада ўзгартиришлар киритилиши керак бўлганда бир томонлама киритилиб борилади.

2.3. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш натижаларига кўра Истеъмолчи, Ижрочининг вакили, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоланадиган, хизматлар кўрсатилмаганлигини, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганини тасдиқловчи факт бўйича далолатнома тузилади. Хизматлар кўрсатилмаганлиги, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилгани тўғрисида тузилган далолатнома каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек ўз мажбуриятларини бузгани сабабли Ижрочининг жарима тўлаши учун асос ҳисобланади. Ижрочи томонидан Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига зиён етказилган ҳолатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Истеъмолчи, Ижрочининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакиллари томонидан имзоланади. Истеъмолчи, Ижрочининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакиллари томонидан имзоланади. Ижрочи вакили келмаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли бўлади. Ижрочи вакили далолатномани имзолашдан бош тортса мазкур далолатномага имзо қўйишдан бош торганлик сабабларини ёзма равишда асослаши шарт. Акс ҳолда, Истеъмолчи каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни суд қарори қабул қилингунгача тўлатишга ҳақлидир.

2.4. Ижрочи Истеъмолчининг чикинди сақлаш контейнердаги каттик маиший чикиндиларини олдиндан тўлов асосида олиб чиқиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади Каттик маиший чикиндиларни умумий тўпланиши м3 ҳисобида белгиланади.

№	Хизмат тури	(М3) Метр куб ҳисобида	График асосида ҳафта кунларини кўрсатиш	Шартнома суммаси	
				Бир ойда	Бир йилда
1	График асосида				
2	Чакирув (Заявка) асосида			574000	6165000
3	Атрофидаги чикинди контейрга чиқариш				
4	Суюқ чикинди тонна	57 992, 2 сум			

Ой ти охирида бир юз олти миңга ёки охирида сум ташкил этади.

3. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;

шартномаларда кўзда тутилган шартлар ва муддатларга мувофиқ каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларидан фойдаланиш; Ижрочидан каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочига ёзма шаклда шикоятлар тақдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада қилинган миқдорларда неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилиш;

шартнома тузилаётганда, каттик ва суюқ маиший чикиндиларни ўз вақтида чиқариб юбориш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, санитария меъёрлари ва қоидаларида белгиланган сўнгги муддатлардан кечиктирмай хизматлар кўрсатиш муддатларини белгилаш;

каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;

каттик ва суюқ маиший чикиндиларни, уларни тегишли турларга ажратган ҳолда, бир маротаба ишлатиладиган алоҳида пакетларга дастлабки саралашни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги №787-сонли қарорининг 2 боб, 3 боб, 5 боб ва 6 бобларга риоя қилиниши шарт, 2002 йил 5 апрелдаги “Чикинди тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда чикиндилар ҳисобини юритишга, улар тўғрисида ҳисобот тақдим этишга; чикиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чикиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга; чикинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф-муҳитга, юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга мажбурдирлар. Каттик маиший чикиндиларни кўчаларга, сув йўлларида, ариқ ва каттик маиший чикиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлақлар ва кўчаларнинг транспорт юрайдиган қисмига ташлаш; каттик маиший чикиндиларни Ижрочининг махсус автотранспорт воситасига ортиш учун ортиш жойига бемалол ўтишни таъминлаш; чикинди тўплаш контейнерлари, чикинди тўплаш шохобчалари, чикинди тўловчи камера ва бошқа ускуналарнинг носозликлари аниқланганда бу тўғрисида Ижрочини дарҳол хабардор қилиш; Каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, “Ижрочи” кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4%

пеня ҳисоблайди, ҳисобланган пеня миқдори қарздорлик суммасининг 50% идан ошмаслиги лозим; Чикиндиларни қорхона ҳудудида ва руҳсат этилмаган жойларда қўмиб ташлашга йўл қўймаслик; Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб беради.

4. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Ижрочи шартнома мажбуриятларига риоя қилмагани учун Истеъмолчига нисбатан қоралар қўришга, шунингдек қонунчиликда ёки шартномада белгиланган неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

белгиланган муддатларда қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш; қонунчиликда, мазкур Қондаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Истеъмолчига зарур сифатдаги қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш; қонунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Истеъмолчининг буюртманомаларини бажариш; қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисобварақаларининг ҳолатини кузатиб бориш; қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш; аҳолининг тўлиқ қамраб олинишини таъминловчи ва қонунчилик талабларига мувофиқ, зарур миқдордаги чикинди тўплаш шохобчалари қурилишини амалга ошириш; чикинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш; қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш; аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек атроф муҳит учун хавфли бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чикиндиларнинг қўлаб тўпланиб қолишига қарши режалар ишларни олиб бориш (контейнерлар ва ахлат тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан); қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида ушбу тарифлар қонуний кучга киритилган 15 кун аввал Истеъмолчининг абонентлик пунктларида эълонлар осиб йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчига маълум қилиш; Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича қамчиликларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш қораларини қўллаш; қаттиқ маиший чикиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш. Маиший чикиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Истеъмолчининг жавобгарлиги:

шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик; қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш; хонадонда ёки хусусий уй-жойда истиқомат қилувчиларнинг ҳақиқий сони ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш; шартнома шартларида кўзда тутилган қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни маҳсус ажратилган жойларда тўплаш тартибининг бузилиши.

5.2. Ижрочининг жавобгарлиги:

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик; қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар муддатининг ва мазкур хизматлар кўрсатилаётганда аниқланган қамчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилиши; Хизматлар кўрсатиш ва қамчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилганлиги учун жариманиннг ўз вақтида тўланмаганлиги; Ўз фойдаланишида бўлган қўриқланувчи ва қўриқланмайдиган контейнерли чикинди тўплаш шохобчаларининг техник ҳолати; хизмат кўрсатмаслик ёки сифатсиз кўрсатилган хизматлар натижасида Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига етказилган зарар.

6. Форс-мажор

6.1. Шартнома имзолангач, томонлар ушбу шартнома юзасидан мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Бунда, томонлар олдиндан билишлари ёки олдини олишлари мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисалар туфайли юзага келган енгилмас кучлар сабаб бўлиши мумкин. Кўчки, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар, минтақадаги ҳарбий ҳапти-ҳаракат ва иш ташлашлар бундай сабаблар сирасига кириб, томонлар мажбуриятларини бажармасликларига узрли сабаб сифатида эътироф этилади.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.
7.2. Шартнома ижроси бўйича юзага келган низолар, талабнома юборилгандан сўнг тарафлар ўртасида ҳал этилмаган тақдирда, низолар амалдаги қонунчиликка асосан Самарқанд шаҳар иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

8. Шартноманиннг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафда бир нусхадан сақланади. Шартнома тарафлар имзоланган пайтдан кучга киради.
8.1.1. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик булимасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли Қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.
8.2. Шартнома имзоланган кундан 1 йил муддат давомида ҳақиқий ҳисобланади ва тарафларнинг биронтаси шартномани бекор қилиш ҳақида мурожаат қилгунга қадар кейинги муддатга узайтирилган ҳисобланади. «Истеъмолчи» шартнома муддати тугашидан 15 кун аввал «Ижрочи» ни огохлантирган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлиқ тўлаб қўйган бўлиши лозим.
8.3. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.
8.4. Ушбу шартномада ўз ифодасини топмаган бошқа масалаларнинг ҳал қилинишида томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 95-сонли Қарори билан тасдиқланган «Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қондалари» га амал қилишади.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реқвизитлари

“Ижрочи”

Самарқанд шаҳар “Мароканд обод” ДУК

Манзил: Самарқанд шаҳри,

Фирдавсий кўчаси 135 уй

Тел: 237-06-89, 237-17-15

Ўзмиллий банк Самарқанд бўлими

С/Ҳ: 20208000900273927001

МҲО: 00278, СТИР: 207201815



“Истеъмолчи”

Манзил: Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси 135 уй
Тел: 237-06-89, 237-17-15
Банк номи: Самарқанд шаҳар иқтисодий суди
Х/р: Самарқанд шаҳар иқтисодий суди
ИНН: Самарқанд шаҳар иқтисодий суди
МҲО: Самарқанд шаҳар иқтисодий суди

(ФИШ раҳбар)

Юридик ҳулоса:

Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги Қонуни талабларига мувофиқ келади.

Юрист консультант